



ON ACTUAL ISSUES OF TRANSLATION OF ARTISTIC WORKS BETWEEN UZBEK AND TURKISH LANGUAGES

Abdurahim Mutalovich Mannonov

Doctor of Philological Sciences, Professor of TSUOS

Xayrulla Xudoyorovich Hamidov

Doctor of Philological Sciences (DSc), Professor of TSUOS

Abstract: This article deals with the quantity and quality of works of art translated from Turkish into Uzbek and from Uzbek into Turkish in the period from the 60s of the twentieth century to the present day, it is emphasized in what directions and topics scientific research should be conducted on the translation of works of art between related Uzbek and Turkish languages, as well as young specialists and researchers are given specific proposals and recommendations on the issues of conveying the artistry, national identity of the original work, landscape, portrait when translating, interior, speech of characters, proverbs and idioms, interpretation and analysis of translations, achievements and shortcomings of translators, for example, how closely the translated work corresponds to the original.

Key words: literary connections, Uzbek literature, Turkish literature, original, literary translation, national identity, artistry, adequacy, original style.

**ЎЗБЕК ВА ТУРК ТИЛЛАРИ ОРАСИДА БАДИИЙ АСАРЛАР
ТАРЖИМАСИНИНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИГА ДОИР**

Mannonov Abdurahim Mutalovich

filol. f. d., TDSHU professori

Hamidov Xayrulla Xudoyorovich

filol. f. d. (DSc), TDSHU professori v.b.

Аннотация. Ушбу мақолада XX асрнинг 60-йилларидан бугунга қадар турк тилидан ўзбек тилига ва ўзбек тилидан турк тилига таржима қилинган бадиий асарларнинг салмоғи ва сифати хусусида сўз юритилиб, истиқболда бадиий асарлар таржимаси устида илмий тадқиқотлар қандай йўналиш ва мавзуларда олиб борилиши кераклиги таъкидланиб, ёш мутахассислар, изланувчиларга таржима асарларидаги бадиийлик, миллийлик масалалари, аслиятга хос бадиий санъатлар, пейзаж, портрет, интерьер, персонажлар нутқи, мақол ва идиомалар қай даражада талқин этилгани, ижодкорлар эришган ютуқлар ва йўл қўйган камчиликларини таҳлил қилиш, шу асосда икки қардош тилда яратилган ва таржима қилинган асарларнинг аслиятга қанчалик мос эканлигини кўрсатиш сингари аниқ тақлиф ва тавсиялар берилади.

Калит сўзлар: адабий алоқалар, ўзбек адабиёти, турк адабиёти, аслият, бадиий таржима, миллийлик, бадиийлик, адекватлик, аслият услуби.

Аннотация. В данной статье речь идет о количестве и качестве художественных произведений, переведенных с турецкого на узбекский и с узбекского на турецкий язык в период с 60-х годов XX века до наших дней, подчеркивается то, по каким направлениям и темам следует вести научные исследования по переводу художественных произведений между родственными языками, а также молодым специалистам и исследователям даются конкретные предложения и рекомендации по вопросам передачи при переводе художественности, национального своеобразия оригинального произведения, пейзажа, портрета, интерьера, речи персонажей, пословиц и идиом, интерпретации и анализа переводов, достижений и недостатков переводчиков, например, насколько переведенное произведение соответствует оригиналу.

Ключевые слова: литературные связи, узбекская литература, турецкая литература, оригинал, художественный перевод, национальное своеобразие, художественность, адекватность, стиль оригинала.

Турк тилидан ўзбек тилига бадий асарлар асосан XX асрнинг 60-йилларидан таржима қилина бошланган бўлса, ўзбек тилидан турк тилига таржима фаолиятлари ўтган асрнинг 90-йиллари, яъни мустақиллик давридагина бошланди. Ана шу даврда, хусусан 2000 йилларнинг бошларида дунё халқлари ўзбек адабиёти, маданиятини бадий таржима воситасида янада яхшироқ таниди. Бугунга келиб, дунё мамлакатлари билан адабий алоқаларни кучайтириш, миллий адабиётимиз, халқимизга хос қадриятларга эҳтиром билан қараётган халқларга қандай асарларимизни тақдим этишимиз мумкинлиги масаласи кун тартибидан ўрин олди.

Дунё адабиёти дурдоналарининг маданий ҳаётимиз ва миллий адабиётимизга кириб келиши жадаллашган ва ижтимоий ҳаётимизда алоҳида даврни ташкил этган сўнгги 30 йил ва янги асрнинг илк йигирма йили давомида таржима асарлари миллий адабиётимизнинг бебаҳо мулкига айланиб, асарлар мобайнида халқларнинг миллий маданияти, анъаналари, урф-одатлари, ҳаётни англаш фалсафаси, яшаш тарзи ҳақида тасаввур ҳосил қилиш ва улар билан яқиндан танишишда муҳим аҳамият касб эта бошлади.

Мамлакатимизнинг дунё ҳамжамияти билан яқинлашуви ривожланиб бораётган, Туркия Республикаси билан кўп қиррали муносабатларда сифат ўзгаришлари юз бераётган бугунги кунда ушбу давлатнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида кечаётган жараёнлар, хусусан адабий алоқалар жараёнининг ўрганилиши долзарб масалалардан ҳисобланади. Бу даврда ўзбек адабиёти намуналарини хорижий тилларга бевосита ўгириш ишлари анча жонланди, ўзбек адабиётининг сара намуналари дунёнинг ўнлаб тилларига, жумладан қардош турк тилига ҳам таржима қилиниб, адабиётимиз ихлосмандларига армуғон этилди. Таъкидлаш керакки, 1995-2023 йилларда турк тилидан она тилимизга таржималар ўзбек тилидан туркчага қилинган таржималардан сон жиҳатдан анча кўплиги билан ажралиб туради.

Ўзбекистон мустақиллигининг илк йилларида барча соҳаларда бўлгани каби санъат, маданият ва адабиёт билан бир қаторда таржима соҳасида ҳам жиддий ишлар амалга оширилди. Шу ўринда таниқли адабиётшунос олим, таржима соҳасида кўп йиллик тажрибага эга бўлган ижодкор, таржимон, Ўзбекистон Қаҳрамони Иброҳим Ғафуровнинг куйидаги фикрини келтириб ўтмоқ жоиз: “(Бугун) ўзбек адабиёти намуналари жаҳон тилларига асл ўзбекчадан ўгириляпти. Бу бениҳоя хайрли иш бўлиб, миллий миқёсда улуғ маданий ўзганга тушиб олмай иложи йўқ. Ҳатто бир қанча номлару бир қатор асарларни қувонч билан санаб кўрсатиш мумкин. Аммо бу бепоён жаҳон адабиёти океани олдида ҳали зарралар. Энди шу зумрад зарралар бизни тўғри уммон стихияларига етаклаб боради. Бунинг учун йиллар керак ва бу буюк аслиятдан таржима ишларини ҳеч сусаймас ва орқага қайтмас тарзда зиммасига оладиган масъулиятли мутахассислар керак. Бу ерда ҳаваснинг ўзи етарли эмас. Бу ерда бир тилни яхши, иккинчи тилни чала ё қониқарли билиш ҳам етарли эмас” [1.Б.9]. Олим бу билан бадий таржиманинг бугунги ҳолатига муносиб баҳо берган, назаримизда.

Ҳозирги кунда олиб борилаётган таржимашунослик тадқиқотлари **мустақилликка қадар ўзбек адабиёти намуналари турк тилига таржима қилинмаганини кўрсатмоқда.** Аммо ушбу даврда Азиз Несин, Рашод Нури Гунтекин, Яшар Камол, Нозим Ҳикмат, Саид Фоиқ Абасиёниқ каби турк адибларининг юзлаб ҳикоя, қисса ва романлари Мирзакалон Исмоилий, Миад Ҳакимов, Барот Бойқобилов, Холиёр Эштўхтаров, Носир Муҳаммад, Шодмон Отабек сингари бадий сўз усталари, устоз таржимонлар томонидан турк тилидан бевосита ва рус тили орқали ўзбек тилига ўгирилиб нашр этилди. Бу асарлар бугунги кунда ўзбек таржима адабиётининг мумтоз намуналарига айланиб бўлди, дейиш мумкин. Бироқ бу ижодкорларнинг таржима адабиётимизда тутган ўринлари, маҳорат қирралари ҳануз етарли даража ўрганилмаган. Шу билан бир қаторда, таржима асарлари ўта қаттиқ назорат остида нашр этилган шўро даврида ҳам турк тилидан бевосита ва рус тили

орқали қилинган таржималар орасида бадиий савияси паст асарлар учрайди (бунга мисоллар талайгина ва у алоҳида тадқиқот мавзусини ташкил этади).

Ўрни келганда, мақоламиз мавзусига бевосита алоқадор бўлмаса-да, куйидаги маълумотни келтириш зарур. Гап шундаки, ўтган асрнинг 50-60-йиллари ва 90-йилларига қадар Ойбек, Абдулла Қаҳҳор, Мирзакалон Исмоилий, Миртемир, Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов, Омон Матжон каби атоқли адиб ва шоирларимиз жаҳон адабиётининг сара асарларини она тилимизга ўгирганлар ва буни кўпчилик билади, эътироф этади. Бироқ яна бир гуруҳ машҳур ўзбек таржимонлари борки, улар бутун ижодий фаолиятлари, керак бўлса умрларини фақат бадиий таржимага бағишлаганлар (асосан рус тилидан ва рус тили воситасида бошқа тиллардан бадиий асарлар таржима қилганлар) ва улар ўз таржималари орқали жамоатчиликка танилганлар. Бу хусусда таржимашунос олим Зухриддин Исомиддинов шундай ёзади: “Таржима даргоҳида ҳавас қилса арзигулик ишларимиз ҳам бор. Қодир Мирмуҳамедов, Ваҳоб Рўзиматов, Иброҳим Ғафуров, Озод Шарафиддинов, Низом Комилов, Ҳибзиддин Муҳаммадхонов, Кибриё Қаҳҳорова, Тўлқин Алимов, Ҳасан Тўрабеков, Холида Аҳророва, Асил Рашидов, Миад Ҳақимов ва бошқа таржимонларнинг ҳар бири қанчадан-қанча асарларни руҳий дунёмизга олиб кирдилар” [2:Б.3].

Бир мисол. Атоқли турк адиби Яшар Камол қаламига мансуб тўрт жилддан иборат “Инжа Мамад” романининг 1968 йилда нашр этилган 1-жилд [3] ўзбекча таржимаси таниқли таржимон Миад Ҳақимов қаламига мансуб (“Инжа Мамад” романининг 2-4 жилдлари ҳануз таржима қилинмаган) ва бу таржимоннинг ижодий фаолияти ҳақида бугунги кунда деярли ҳеч қандай илмий маълумот мавжуд эмас¹. Дарҳақиқат, Миад Ҳақимов салкам қирқ йил давомида турк ва рус адабиётидан ўнлаб ҳикоя, қисса ва романлар таржима қилди. Уларнинг

¹ Миад Ҳақимовни кўпчилик таржимашунослар, адабиёт ихлосмандлари рус ёзувчиларидан Илья Ильф ва Евгений Петровларнинг “Ўн икки стул” асари [4], турк адиби Рашод Нури Гунтекиннинг “Тамға” [5] асари таржимони сифатида яхши танишади. Кўпчилик эса уни XX асрнинг 60-йилларида ўзбек китобхонларини атоқли турк сатирик ёзувчиси Азиз Несиннинг Туркиядаги ижтимоий-иқтисодий иллатларни ҳажв воситасида моҳирона очиб берган ҳикоя ва романлари билан илк бор таниш-тирган таржимон сифатида ҳам эътироф этади.

кўпчилиги кенг ўқувчилар оммаси орасида муваффақият қозониб, қайта-қайта нашр этилган. Унинг таржималари салкам олтмиш йилдан буён халқимизни ўзга халқлар ҳаёти билан таништириш, ўзбек таржима адабиётини тараққий эттириш ишига улкан ҳисса бўлиб қўшилди. Бироқ истеъдодли таржимоннинг ижодий фаолияти, таржимонлик маҳорати алоҳида илмий тадқиқотларга мавзу бўлмаган. Шу нуқтаи назардан ижодкорнинг таржимонлик маҳорати мавзусида алоҳида тадқиқот олиб борилиши мақсадга мувофиқ.

Тошкент давлат шарқшунослик университетига ўзбек ва турк тиллари орасида бадий асарлар таржимасининг долзарб масалаларига доир салкам 15 йилдан буён олиб борилаётган тадқиқотлар биринчи навбатда қуйидаги масъулиятли вазифаларни ўртага қўйилишини тақозо этади:

1. Ўтган асрнинг 50-60-йилларидан то бугунга қадар турк тилидан ўзбек тилига ва ўзбек тилидан турк тилига таржима қилинган бадий асарлар библиографиясини тузиш;

2. Сўз бораётган тарихий даврни уч қисмга (XX асрнинг 50-60 йиллари, 70-90 йиллари, 1991-2015 йиллар ва 2015 йилдан кейинги даврга) ажратиш, бу даврларда она тилимизга таржима қилинган турк адабиёти дурдоналарини илмий тадқиқ этиш, таржималарнинг бадий савиясига холис ва малакали баҳо бериш, моҳир таржимонлар, бадий сўз усталари, ижодкорларнинг ҳаёти, таржимонлик фаолиятлари, маҳоратларини илмий ўрганиш;

3. Таржималарни асл нусхалари билан қиёслаб таҳлил қилиш, бадий савиясини баҳолаш, қайта таржимага эҳтиёжи бўлган асарларни аниқлаб, илмий хулосалар бериш;

4. Сўнгги йилларда турк тилидан она тилимизга ағдарилиб катта тиражларда нашр этилаётган, савияси бадий таржима талабларига жавоб бермайдиган асарларни аниқлаб, уларга холис муносабат билдириш.

5. Мустақиллик йилларида ўзбек адабиётининг дурдона асарларини турк тилига таржима қилган турк (Аҳсан Ботур, Шуайип Қорақош, Азиз Мерхан, Моҳир Унлу, Хусаин Бойдемир ва б.) ва ўзбек (Замира Ўзтурк) таржимонларининг ижодий фаолиятини илмий ўрганиш.

Ўрни келганда, юқорида санаб ўтилган вазифалар доирасида ишлар аллақачон бошлаб юборилгани, масалан, сўнгги йилларда атоқли ўзбек адиби Мусо Тошмуҳаммад ўғли Ойбек қаламига мансуб, олимлар ва жамоатчилик томонидан эътироф этилган, ўзбек романчилигининг буюк намуналари бўлган “Навоий” тарихий романи [6], “Қутлуғ қон” [7] ва “Олтин водийдан шабадалар” [8] каби реалистик роман намуналарининг турк тилига қилинган таржималари бўйича ТДШУ докторанти (К.Расулова) томонидан PhD диссертацияси тайёрланаётганини алоҳида таъкидлаш жоиз.

“Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетасида “Адабий ҳамкорлик” рукни остида босилган “Қутлуғ қон” романи турк тилида” номли мақолада (Шухрат Ҳайитов) “Қутлуғ қон” романининг турк тилига таржимаси икки қардош халқ ўртасидаги азалий адабий ҳамкорликнинг бугунги ифодаси, маданий-гуманитар соҳалардаги ҳамкорликнинг самараси эканлиги таъкидланади [9].

Ўзбек ва турк тиллари бир тил оиласига мансуб. Бу тиллар орасида амалга ошириладиган бадий таржима фанда ўзаро яқин тиллардан таржима ҳисобланади ва бундай таржиманинг специфик хусусиятларини қуйидаги аспектларда ўрганиш таклиф этилади:

- миллийликнинг таржимада акс этишида миллий хос сўз (реалия) ларнинг ўрни;
- бадийликни ифодалаш (тасвир ва ифода) воситалари, таржимада диалоглар, персонажлар нутқи ва портрет тавсифларининг берилиши;
- бадий таржимада сўз танлаш; сўз – асар контексти ва таржимада бадий талқин воситаси эканлиги;
- таржимада “алдоқчи сўзлар”, яъни “сохта эквивалентлар” муаммоси;
- бадий таржимада мақол, матал ва бошқа идиоматик бирликларнинг берилиши билан боғлиқ муаммолар;
- таржимон маҳорати қирраларини илмий ўрганиш, таржималарнинг бадий савиясини белгиловчи омиллар.

Шунингдек, таржимашунослик тадқиқотларида миллийлик ва бадийликни таржимада акс эттириш усул ва воситалари, эквивалентлик ва лисоний

адекватлик, муаллифлар қўллаган бадиий санъатларнинг таржимада берилиши баробарида бугунги кун таржимашунослигида кўп дуч келинаётган таржиманинг лингвомаданий аспекти, муқобилсиз лексика, бадиий таржиманинг психолингвистик хусусиятлари ва когнитив асосларини ўрганишни ҳам таржимашунослик тадқиқотлари доирасига киритиш ҳам бугунги куннинг долзарб масалаларидан ҳисобланади. Ана шу йўналишда олиб борилажак янги тадқиқотлар туркча-ўзбекча, ўзбекча туркча амалий таржимада учраётган муаммоларнинг сабабларини ёритиш ва шу асосда янги назарий хулосалар чиқаришга кўмак беради.

Foydalanilgan adabiyot va manbalar:

[1] – Гафуров И., Бадиий таржима нусха кўчириш эмас, мақола, Ижод олами, Адабий-бадиий, илмий, ижтимоий-иқтисодий журнали, 2019-йил, 2-сон (14), 8-11-б.

[2] – Исомиддинов З. Таржима ва тил – Тошкент: ТДШУ, 2023.

[3] – Камол Яшар. Инжа Мамад. Роман (туркчадан Миад Ҳакимов таржимаси). Кемаль Я. “Тоций Мемед”, роман. – Тошкент, Гафур Ғулом номидаги бадиий адабиёт нашриёти, 1968.

[4] – Ильф Илья, Петров Евгений “Ўн икки стул” (русчадан Миад Ҳакимов таржимаси). – Тошкент, Янги аср авлоди: 2014. – 456 б.

[5] – Гунтекин Рашод Нури. Тамға. Роман ва ҳикоялар (русчадан Миад Ҳакимов таржимаси). – Тошкент, “Қалдирғоч” нашриёти: 2019. – 288 б.

[6] – Aybek, M.T. Nevai, Çev. Ahsen Batur. – İstanbul: 1995; Aybek. Nevâyi, Roman, Türkiye Türkçesine aktarma ve İnceleme Prof. Dr. Şuayip Karakaş. – İstanbul: Ötüken Yayınevi, 2019. – 461 s.

[7] – Aybek, M. Kutlu kan, Roman, Çev. Zamira Öztürk. – Ankara.:Bengü, 2023

[8] – Aybek, Altın Vadiden Esintiler, Roman, Çev. Zamira Öztürk. – Ankara: Nobel, 2023.

[9] – «O‘zbekiston adabiyoti va san’ati» gazetasi, 2023 yil 11 avgust № 31 (4742).

